


ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ФАРГОНА
ВИЛОЯТИ ФАРГОНА ШАХРИ
МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«НИМОЯ FAIR»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ ГОРОД
ФЕРГАНА В ФОРМЕ
ОБЩЕСТВА ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«НИМОЯ FAIR»
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

*O'zbekiston Respublikasi, Farg'on'a viloyati, Farg'on'a shahri, B.Marg'iloni ko'chasi, 70-uy 18-xonodon, X/r:
20208000705410835001, INN: 308636111, MFO: 01131, Universal bank Farg'on'a filiali, Telefon: +99893-244-55-58,
+99893-980-5575.*

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«SHEROBOD РАХТА TOZALASH»
акциядорлик жамияти раҳбарияти ва
бошқарувига.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Шеробод
тумани, Дўстлик маҳалласи, Мустакиллик
кӯчаси, 1-уй.

Молиявий хисобот аудит натижалари бўйича хулоса

Фикр;

Бизнинг фикримизча, молиявий хисоботлар «SHEROBOD РАХТА TOZALASH»
акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, унинг 2021
йилдаги молиявий натижаларини ва пул оқимларини конунчилликка мувофиқ, барча мухим
жихатлари бўйича ҳакконий ақс этади.

Биз, «SHEROBOD РАХТА TOZALASH» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон
Республикаси бухгалтерия хисоби миллий стандартларига мувофиқ 2021 йил 31 декабрь
холатига тузилган бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот, хусусий
капитал тўғрисида хисобот, пул оқимлари тўғрисидаги хисобот ва бошка изохловчи
маълумотлардан иборат бўлган илова килинаётган молиявий хисоботлари аудитини ўтказдик.

Фикр билдириш учун асослар;

Биз аудитни Аудитнинг Халкаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик.(MCA). Бизнинг
ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хуносанинг “Аудиторнинг молиявий
хисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Мазкур
стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда
муҳим бузуб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган
тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Фикримизча, биз томонимиздан аудиторлик текшириши учун олинган аудиторлик
далиллари фикримиз учун асос бўлиши учун етарли ва моҳ келади.

Аудитнинг мухим масалалари;

Аудитнинг мухим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал муроҳазамиздан
келиб чиқсан холда жорий давр учун молиявий хисоботни текшириш учун энг мухим бўлган
масалалардир. Ушбу масалалар молиявий хисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу
масалалар бўйича алоҳида фикр билдиримаймиз.

Бошқа маълумотлар;

Бошқа маълумотлар учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг молиявий хисоботлар
ҳакидаги фикримиз бошқа маълумотларга тааллужли эмас ва биз ушбу маълумотлар бўйича ҳеч
кандай ишончли хуносасини билдиримаймиз.

Молиявий хисобот аудитимиз билан боғлик холда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни билан танишиш ва шу билан бирга, бошқа маълумотлар ва молиявий хисоботлар ўртасида жиддий номутоносибликлар бор-йўклиги аудит давомида олинган билимларимиз ёки бошқа маълумотларни кўриб чикишдир. Агар биз бажарган ишларга асосланиб бундай бошқа маълумотлар жиддий нотўғри маълумотларни ўз ичига олади деган хулоса келсак биз бу фирмени хабар килишимиз керак.

Бизнинг хулосамиизда акс эттириш лозим бўлган ҳолатни аникламадик.
Молиявий хисобот учун раҳбарият ёки бошқарув жавобгарлиги;

«SHEROBOD RAXTA TOZALASH» акциядорлик жамияти мазкур молиявий хисоботни қонунчиликка мувофик тайёрлаш, шунингдек корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузуб кўрсатишлардан ҳоли молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг молиявий хисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги;
Бизнинг мақсадимиз молиявий хисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган

жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Аудитнинг ҳалқаро стандартларига мувофик ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниклай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузуб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузуб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий хисоботдан фойдаланувчилар иктисадий карорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, мухим хисобланади.

Аудит молиявий хисоботдаги суммалар ва ошкораликларга оид аудиторлик далилларини олиш учун аудиторлик процедураларини бажаришини ўз ичига олади. Аудиторлик процедураларини танлаш бизнинг фикримизга боғлик бўлиб, у фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий хисоботнинг жиддий нотўғри кўрсатилиши хавфни баҳолашга асосланади. Ушбу хавфни баҳолаш жараёнида биз топширик учун тегишли аудит процедураларини танлаш учун ишончли молиявий хисоботларни тайёрлашни таъминлайдиган ички назорат тизимини кўриб чиқдик. Аудит, шунингдек, кўлланилган хисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлигини ва текширилаётган корхона раҳбарияти томонидан олинган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек, умуман молиявий хисобот тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз, шунингдек, корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустакиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя-қиёнотли түғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустакиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар түғрисида хабар берамиз.

МЧЖ «NIMOYA-FAIR»

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:



Ш.Б.Хатамов

Аудитори:

Ф.А.Муродов

(Аудитор маълума сертификати
26.04.2019 йилда №05211)

Манзили: Фарғона шаҳар
Б. Марешоний кўчаси 70/18
10.04.2020 йил.

Солик маслаҳатчisi Б.Нионов
30 май 2022 йил.

Хулоса раками 71\05